

Тоғай МУРОД

ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ

Қисса

"Юлдузлар мангу ёнади" қиссаси илк марта "Шарқ юлдузи" журналида чоп этилган. ("Шарқ юлдузи", 1977, 10-сон.) 1980 йилда бу қисса Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида "АБК" - "Авторнинг биринчи китоби" серияси остида чоп этилади. Кейинчалик қисса қайта ишланиб, "Қўшиқ" китобига (1987) "Давра" номи билан киритилади (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти). "Давра" ёзувчи томонидан яна қайта ишланади — энди "Юлдузлар мангу ёнади" номи билан "От кишнаган оқшом" қиссалар тўпламида чоп қилинади ("Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1994).

I

— Одамлар-у одамлар, тоғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар! Бугун ха-а-амма Зулфиқор полвонниқига суннат тўйига, ҳе-е-е-ей! Чу, жонивор!

Эгар қошига тўн солиб олмиш жарчи гузарма-гузар от ўйнатди. Хўжасоат қишлоғи аҳлини тўйга чорлади.

Хиёл ўтмади. Тўй бекаси отда эшикма-эшик юрди. Хонадонларни алоҳида-алоҳида айтди.

Хонадон бекалари:

— Куруқ кетманг, — дея эгар қошига тўн илди. Тўй бекаси юзига фотиҳа тортди.

— Илойим, сизларнида тўйга етказсин, — дея тилак тилади.

Кейин, Зулфиқор полвон от минди.

Эл-юртни ўз номидан айтди.

Эл-юрт кўнгли нозик-да.

Тўй бекаси айтган бошқа, тўй хўжаси айтган бошқа.

II

Туш вақти аёллар бўғирсок, қатлама, ширгуруч кўтариб тўйлади. Эркаклар қўй, тана етаклаб тўйлади.

Том устида ёнбошлаб олмиш Наби оқсоқол тўйхонадаги воқеалардан кўз-қулоқ бўлди, тегишли йўл-йўриқлар берди.

Айниқса, келажак меҳмонларни эътибордан четда қолдирмади. Меҳмонлар кўча бошида қора бериши биланок, Наби оқсоқол овоз берди:

— Келинлар, меҳмонлар, кела беринлар! — деди. — Мингой байча¹, аёлларга пешвоз чиқиб, қўлларидан дастурхонни олинг! Қаранг, Зулфиқор полвоннинг ошнаси Турдибой эчки етаклаб келяпти! Анави қўй етаклаб келаётган куёви Қурбонмикин? Ҳа, шуякан! Ашурбой, қўйларни ушлаб, оғилхонага қаманг!

Тўйхонада ўйнаб юрмиш болалар эшик олдида чопиб келди.

¹ Хон, ой, гул маъносида.